

**«NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT
TECHNOLOGIES» АЖ**

ягона акциодорининг 2026-йил “22” июльдаги
11-сонли қарори билан



ТАСДИҚЛАНГАН

«NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES»

акциядорлик жамиятининг

УСТАВИ

янги тахрирда

Тошкент 2026 й.

МУНДАРИЖА

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
2. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ	5
3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАҚСАДИ.....	6
4. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	6
5. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ.....	8
6. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ.....	10
7. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ.....	11
8. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ.....	12
9. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....	12
10. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.....	13
11. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.....	13
12. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.....	15
13. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.....	16
14. ЖАМИЯТНИНГ ТАҒТИШ КОМИССИЯСИ, ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ, АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ВА КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ.....	18
15. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ.....	19
16. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ, ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШТАРТИБИ.....	19
17. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	20

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Бундан буён матнда “Жамият” деб аталувчи “NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES” акциядорлик жамияти муқаддам Тошкент шаҳар Миробод тумани давлат хизматлари маркази томонидан 2017 йил 17 октябрда 548051-сон билан “NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES” масъулияти чекланган жамияти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

1.3. “NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES” акциядорлик жамияти амалдаги қонун ҳужжатларига кўра “NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES” МЧЖнинг тўлиқ ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.4. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.

1.5. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

1.5.1. Ўзбек тилида:

- лотин ёзувида: “NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES” aksiyadorlik jamiyati;

- кирилл ёзувида: “NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES” акциядорлик жамияти.

1.5.2. Рус тилида:

- Акционерное общество «NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES».

1.5.3. Инглиз тилида:

- “NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES” Joint Stock Company.

1.6. Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

1.6.1. Ўзбек тилида:

- лотин ёзувида: “NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES” AJ;

- кирилл ёзувида: “NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES” АЖ.

1.6.2. Рус тилида:

- АО “NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES”.

1.6.3. Инглиз тилида:

- “NATIONAL INNOVATIVE PAYMENT TECHNOLOGIES” JSC.

1.7. Жамиятнинг манзили:

- жойлашган жойи: 100047 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тўйтепа МФЙ, Истикбол кўчаси, 39 б уй.

- почта манзили: 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тўйтепа МФЙ, Истикбол кўчаси, 39 б уй.

1.8. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@atmos.uz

1.9. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.atmos.uz

1.10. Атамалар.

1.10.1. Мазкур Уставда қўлланилган атамалар ва таърифлар қуйидаги маъноларга эга бўлади:

- **Бош директор** – ушбу Уставнинг 13 бандига ва Жамиятнинг бошқа ҳужжатларига мувофиқ Жамиятнинг кундалиқ фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколатига эга бўлган Жамиятнинг ижро органини англатади.

- **Қонунчилик (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар)** - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро шартномалар, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси (Парламенти) палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари шунингдек, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини англатади.

- **Шахс** – жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Чет эл фуқаролари ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар.

- **Акциядорларнинг умумий йиғилиши** – Жамиятнинг юқори бошқарув органи.

- **Аффилланган шахс** – Жамият битим тузишдан манфаатдор шахслар.

- **Учинчи шахс** – Жамият акциядори бўлмаган жисмоний ва юридик шахслар.

- **Кузатув кенгаши** – ушбу Уставнинг 12 бандига мувофиқ Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи Жамият бошқарув органи.

- **Сўм** – Ўзбекистон Республикаси бўлган миллий пул бирлиги.

- **Устав** – мазкур Уставни англатади.

- **Устав фонди (капитали)** – Жамият устав фонди (капитали) миқдорини англатади.

- **Жамият таъсис ҳужжатлари** – Жамиятнинг Устави ва таъсис шартномаси.

- **Захира фонди** – Жамиятнинг маблағлари мавжуд бўлмаганда, Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланган Жамият Устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда Жамият томонидан шакллантириладиган фондни англатади.

- **Молиявий-хўжалик фаолияти** – Жамиятнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни юритиш билан боғлиқ фаолияти англатади.

- **Жамият филиали** – Жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

- **Жамият ваколатхонаси** – Жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифодаладиган ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

- **Жамиятнинг шубҳа хўжалик жамиятлари** – Жамиятнинг мазкур шубҳа хўжалик жамиятининг Устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ёки бошқача тарзда Жамият томонидан белгилаб бериладиган қарорларни қабул қиладиган акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги юридик шахслар тушунилади.

- **Жамиятнинг тобе (қарам) хўжалик жамиятлари** – Устав фондидаги (капиталидаги) овоз берадиган акцияларнинг (улушнинг) йигирма фоизидан кўпроғи Жамиятга тегишли бўлган ҳамда Жамият мазкур тобе (қарам) хўжалик жамиятларида иштирок этадиган акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги юридик шахслар тушунилади.

- **Акция** – Жамият томонидан чиқарилган, ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган, эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозни англатади.

- **Одий акциялар** – овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

- **Имтиёзли акциялар** – ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар бўлиб, имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

- **Жамиятнинг муассислари** - Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

- **Корпоратив облигациялар** - Жамият томонидан чиқариладиган облигациялар бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғоз ҳисобланади, у облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкӣ эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қатъий белгиланган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкӣ ҳуқуқларини тасдиқлайди.

- **Жамият акциядорларининг реестри** - Жамият акциядорларининг реестри рўйхатдан ўтказилган акциялар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга тегишли акцияларнинг номи, сони, номинал қиймати ва тури, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхатни англатади.

- **Депозит ҳисобварағидан кўчирма** - Депозит ҳисобварағидан кўчирма акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси томонидан бериладиган ҳужжат тушунилади.

- **Дивиденд** - Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмини англатади.

- **Йирик битим** - Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган атамалар ва таърифларга қўшимча равишда Устав матнида бошқа атамалар ва таърифлар келтирилиши мумкин.

II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ.

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг Устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

2.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган жойи кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

2.5. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.6. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.7. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.8. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядор Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.9. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли. Улар Жамият томонидан бериладиган мол-мулк билан таъминланади ва Жамият томонидан тасдиқланган низомлар асосида иш олиб боради.

Жамиятнинг филиал ва ваколатхона раҳбарлари Жамият томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончномалар асосида фаолият юритади.

2.11. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.12. Жамиятнинг филиаллари, ваколатхоналари фаолияти юзасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.13. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишига ёки уларнинг Устав фондида бошқача тарзда иштирок этишга ҳақли.

2.14. Жамият Жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, Жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу Уставида бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

2.15. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан Жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина Жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

2.16. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.17. Ушбу Уставнинг қоидалари Жамиятнинг бутун фаолияти давомида қонуний кучга эга. Агар ушбу Уставнинг бандларидан бири ҳақиқий эмас деб топилса, бу унинг бошқа бандларининг бекор қилинишига сабаб бўлмайди; бекор қилинган банд асосли ва қонуний бўлган банд билан ўзгартирилиши мумкин.

III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАҚСАДИ.

3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

3.2. Жамият фаолиятининг предмети бўлиб – Ахборот технологиялари ва компьютер тизимлари соҳасидаги бошқа фаолият турлари ҳисобланади.

Жамият фаолиятининг асосий турлари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналарга ва аҳолига компютер дастурлаш, консалтинг ва бошқа қўллаб-қувватлаш хизматларини, симли ва симсиз алоқа хизматларини кўрсатиш;

- дастур яратиш фаолияти;

- белгиланган тартибда улгуржи ва чакана савдо, экспорт-импорт операциялари, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

3.3. Жамият ўз мақсадларини бажариш учун қонун ҳужжатларига зид бўлмаган барча фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

3.4. Фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари, тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан кейин амалга оширилади.

IV. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Жамият қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- минтақалараро ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- хорижий корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда ривожлантириш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида филиаллар, ваколатхоналар, корхоналар ва қўшма корхоналар ташкил қилиш;
- биргаликдаги фаолият шартномаларига асосан Жамиятнинг фаолиятини ривожлантириш учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида юридик ва жисмоний шахслар билан барча турдаги амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган барча турдаги битимларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида кўчар ва кўчмас мулк объектларини сотиб олиш, мол-мулкларга эга бўлиш ҳамда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уюшмалар, иттифоқлар, консорциумларга ва бирлашмаларга аъзо бўлиш;
- белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида турли банк ҳисоб-рақамлар, шунингдек валюта банк ҳисоб-рақамлари очиш, банк кредитлари ва ссудалар олиш, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ваколатли банклар орқали ўз пул маблағларини айрибошлаш;
- ўзининг ишлаб-чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш фондоарини мустақил режалаштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра мустақил равишда ўз балансидан мол-мулк, қарз, камомад ва бошқа зарарларни чиқариш;
- Жамиятнинг мазкур Уставида белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги маҳсулотлар, хом-ашёлар, материаллар, хизматларни сотиб олиш;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ ташкил этилган танлов, тендерлар ва онлайн электрон-аукционларда, ким ошди савдоларида иштирок этиш (қатнашиш);
- ҳомийлик ва хайрия фаолиятларини амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан ўз ходимлари учун ички меҳнат тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш, қўшимча меҳнат таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёзларни мустақил равишда белгилаш;
- Жамият мустақил балансга ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга эга бўлиш;
- Жамият мустақил равишда ишлаб чиқариш ва молиявий-иқтисодий фаолиятини режалаштириш ҳамда амалга ошириш, ўзининг ривожланиш истиқболларини белгилаш, шунингдек Қонунчилик ва Таъсис ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қолган фойдани эркин тасарруф қилиш ҳамда тақсимлаш;
- контрагентлар билан Қонунчилик ва Таъсис ҳужжатларига зид бўлмаган келишувлар предметини эркин белгилаш;
- тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимлар, шунингдек Қонунчиликга мувофиқ йирик деб тан олинган битимлар Жамият томонидан Қонунчилик ва Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга ошириш;
- амалдаги қонунчиликка ва Таъсис ҳужжатларига мувофиқ зарур мутахассисларни, шу жумладан хорижий мутахассисларни ишга таклиф қилишга, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизими, миқдорлари ва турларини, шунингдек ходимларнинг бошқа даромад турларини белгилашга;
- қонунчиликка ва ўз Уставига мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга;
- акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ва майдалашга.

Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. Жамиятнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмаслик;
- акциядорлар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларга

риоя қилиш.

4.3. Жамиятнинг мансабдор шасхлари ва ходимлари Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

4.4. Фаолият очиқлигини таъминлаш мақсадида Жамият махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни тоифаларга ажратиш бўйича аниқ мезонларни белгилашга ҳақли.

V. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ.

5.1. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади.

Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

5.2. Жамият Устав фондининг миқдори 31 050 000 000,0 (Ўттиз бир миллиард эллик миллион) сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 000,0 (минг) сўм бўлган 31 050 000 (Ўттиз бир миллион эллик минг) дона оддий акциялардан иборат.

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тартиби.

5.4. Жамиятнинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.5. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

5.6. Жамият Устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 31 050 000 (Ўттиз бир миллион эллик минг) дона оддий акциялардан иборат.

5.7. Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

5.8. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

5.9. Акцияларнинг очиқ обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

5.10. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш қарори билан қабул қилинади.

5.11. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз

берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

5.12. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш қарори билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.13. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

5.14. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорга жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг Устав фонди кўпайтирилаётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.15. Жамиятнинг Устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тартиби.

5.16. Жамиятнинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.17. Жамият Устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият Устав фондини Жамият Уставидagi тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, қонунчиликда ёки бошқа лицензия талабларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

5.18. Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.19. Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши Устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.20. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Жамият Устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

5.21. Акциядорлар умумий йиғилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида Жамият томонидан олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

5.22. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинадиган акцияларнинг турлари, Жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар

ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олинishi белгилаб қўйилиши керак.

Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

5.23. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунида назарда тутилган ҳолларда Жамият тасарруфига ўтган акциялар улар Жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ.

6.1. Жамият ўзининг акциялари оддий, шунингдек имтиёзли акциялар чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади. Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

6.2. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштириладиган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Жамият Устав фондининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги лозим.

6.3. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

6.4. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

6.5. Дивидендлар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.6. Дивиденд акциядорга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.7. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

6.8. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи акциялар бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

6.9. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек Жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига Жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

6.10. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

6.11. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

6.12. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси,

молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

6.13. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда, дивиденднинг миқдори, дивидендни тўлаш шакли ва тартиби ҳамда уни тўлаш муддати, яъни тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

6.14. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

6.15. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.16. Жамият:

- Жамият Устав фонди (капитали) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда тўловга қобилиятсизлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фонди (капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

6.17. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

6.18. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

6.19. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

6.20. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ.

7.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

7.2. Жамият томонидан акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қимматли қоғозлар чиқарилишининг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

7.3. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий

қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

7.4. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади. Жамиятнинг акциялари ҳужжатсиз шаклида чиқарилади.

7.5. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

7.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Жамиятнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда Жамият Уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгаришлар киритилади.

7.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда Жамият Уставига Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгаришлар киритилади.

7.8. Жамият акцияларининг сони чегараланмаган.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ.

8.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда жамият акциядорларининг умумий йиғилиш қарорида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

8.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.3. Жамият Устав фондининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

8.4. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

IX. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9.1. Жамият акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда Жамиятдан ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Жамият томонидан қайтариб сотиб олиншини талаб қилишга ҳақли.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни — мазкур акциялар эгасини Қонунчилик, мазкур Устав ва Жамиятнинг башқа ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

9.2. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда ва қонунчиликда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;
- ушбу Уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсунитиш;
- Жамиятнинг махфий тусда бўлган шу жумладан тижорат сирини ташкил қилувчи ахборотларини ошкор қилмаслик;
- махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йули билан Жамият Бош директори фаолиятига тўсқинлик қилмаслик;
- акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида Жамиятни, унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, Жамият, Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди..

Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

X. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.

10.1. Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Бош директор).

XI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.

11.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

11.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

11.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Жамият Уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Бош директор), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал

этилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинга мувофиқ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

11.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга ёзма хабарнома кўринишида почта орқали, шу жумладан электрон почта орқали ҳам юборилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили, умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой, жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана, умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар, умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби кўрсатилган бўлиши лозим.

11.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

11.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг Устав фонди (капитали)ни кўпайтириш;
- Жамиятнинг Устав фонди (капитали)ни камайитириш;
- ўз акцияларини олиш;
- дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битимларни тузиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Жамиятнинг ижроия органи раҳбарини (Бош директор) сайлаш (тайинлаш), ижроия органга тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш ҳамда раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;;

- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатлар ҳам киради.

11.7. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу Устав билан Жамият акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

ХII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

12.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бундан Жамиятнинг мазкур Устави акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш ҳоллари мустасно.

12.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат.

12.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

12.4. Жамият Бош директори, Жамиятнинг шуъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари, шунингдек, жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши (Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши) мумкин эмас.

12.5. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш;

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- Жамиятнинг шуъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш;

- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш.

12.6. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига амалдаги қонунчилик ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

12.7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

12.8. Жамият Кузатув кенгашининг раисини сайлаш, Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш тартиби, Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум миқдори, Жамият Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилиш тартиби ва бошқалар акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

ХIII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.

13.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик якка ижро этувчи орган – Бош директор томонидан амалга оширилади. Бош директор ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Жамият акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

13.2. Бош директор Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Жамият якциядорлар

умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

13.3. Бош директор Қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

13.4. Бош директор белгиланган тартибда Жамият акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан лавозимга 3 (уч) йилдан иборат бўлган муддатга шартнома асосида тайинланади. Шартноманинг амал қилиш муддатини ўзайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. У билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Акциядорлар умумий йиғилиши раиси имзолайди.

13.5. Бош директорни тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин.

13.6. Бош директор ваколатига қуйидагилар киради:

- мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши қарорларининг ижро этилишини ташкил этиш;

- Жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш;

- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;

- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;

- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизигача ташкил этса, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

- Жамиятнинг асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш;

- мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият номидан битимлар тузиш;

- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

- йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

13.7 Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. У қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият ва акциядорлар умумий йиғилиши олдида жавобгардир.

13.8. Бош директор мазкур Устав ва Жамият акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ижроия органи тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради.

13.9. Агар Жамиятнинг Бош директори томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида Жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда Жамият Бош директорининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, Жамиятнинг кредиторлар олдида қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоблар бўлади.

13.10. Бош директорга қуйидагилар тақиқланади:

- Жамият билан меҳнат шартномасидан ташқари акциядорларнинг умумий йиғилишининг розилигисиз Жамиятдан мулкӣ фойда олишга қаратилган битимлар (жумладан ҳадя, қарз олиш, беғараз фойдаланиш, шунингдек олди-сотди шартномалари ва ҳ.к.) тузиш;

- Жамият ва учинчи шахслар ўртасида тузилган шартномалар учун бевосита Жамиятдан ёки учинчи шахслардан комиссия ҳақи олиш;

- Жамият билан учинчи шахслар ўртасидаги муносабатларда учинчи шахслар номидан ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб иш кўриш;

- Жамиятнинг фаолияти билан рақобат қилувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ, ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ, АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ВА КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ.

14.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади. Жамият тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат.

14.2. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади. Жамият тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

14.3. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт.

14.4. Жамият тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

14.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

14.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузади, бу хулосада:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонунчилик бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

14.7. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонунчиликнинг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

Жамиятнинг бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

14.8. Жамият активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлганда Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

14.9. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонунчиликка, жамият Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

14.10. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

14.11. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

14.12. Жамият Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи Жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин. Жамият корпоратив маслаҳатчиси жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида фаолият юритади.

XV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ.

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб олиш, қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш) акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

15.2. Жамиятни тугатиш акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ, ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга утмаган ҳолда Жамият фаолиятининг тухтатилишига олиб келади.

XVI. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ, ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ.

16.1. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

16.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида

тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

16.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

16.4. Жамият ўзининг аффилиланган шахслари ҳисобини юритиши ва улар тўғрисида қонунчилик талабларига мувофиқ ҳисобот тақдим этиши шарт. Жамият аффилиланган шахслар рўйхатини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда ҳар йили эълон қилиши шарт.

16.5. Жамият:

- Жамиятнинг Уставини, Уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

- Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

- эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

- акциялар эмиссияси рисоласини;

- бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

- тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

- Жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ва бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек жамият Бош директорининг буйруқларини;

- Жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатларини;

- Жамият акциядорларининг реестрларини;

- Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг), аудиторлик ташкилотининг ҳулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

16.6. Жамият амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

17.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

17.2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамият Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

Жамиятнинг Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан учинчи шахслар учун кучга киради.

17.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

17.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

17.5. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга асосан ҳал қилинади.